

ХУДОЙНАЗАРОВ Фахриддин

Имом-Термизий халқаро илмий тадқиқот
маркази илмий ходими

ЖАРХ ВА ТАЪДИЛ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

КОММЕНТАРИЙ О ДЖАРХ И ТАЪДИЛ

COMMENTS ON JARH AND TADEEL

Аннотация: Ушбу мақолада муҳаддислар асарларида ишлатган жарх ва таъдил атамалари таҳлили орқали уларнинг ўзига хос методи ёритиб берилади. Ҳадисшуносликда жарх ва таъдил илми – ровийларнинг айбу нуқсонлари ёки адолатини кўрсатиб бериш билан юксак аҳамиятга эга. Жарх ва таъдил илми ҳақида муҳаддис уламоларнинг қарашлари билан мисоллар келтирилиб, бу борадаги баъзи таҳлиллар берилади.

Калит сўзлар: “Жарх”, “таъдил”, “Ровий”, “кутуби тисъа”, “санад”, “ривоят”, “муҳаддис”, “мункар ал-ҳадис”, “Сунан”, “Сихоҳи ситта”.

Аннотация: В этой статье объясняется их специфический метод посредством анализа терминов джарх и таъдил, используемых в трудах мухаддисов. Наука джарх и таъдил в изучении хадисов имеет большое значение, указывая на недостатки или справедливость рассказчиков. Приводятся примеры с точки зрения ученых-хадисоведов о науке джарх и таъдил и в этом отношении дается некоторый анализ.

Ключевые слова: “Джарх”, “таъдил”, “рассказчики хадиса”, “кутуби тисъа”, “Санад” («опора»), “Передача хадисов”, “мухаддис”, “мункар ал-хадис”, “Сунан”, “Сихоҳи ситта”.

Annotation: This article explains their specific method by analyzing the terms jarh and tadeel used in the writings of the muhaddiths. The science of jarh and tadeel in the study of hadith is of great importance, pointing out the shortcomings or justice of the narrators. Examples are given from the point of view of hadith scholars about the science of jarh and tadeel, and some analysis is given in this regard.

Keywords: “Jarh”, “tadeel”, “narrators”, “kutub tis’a”, “isnād”, “Transmission”, “muhaddith”, “munkar al-hadith”, “Sunan”, “Sihoh sitta”.

КИРИШ

Она юртимиз муҳаддислар, улуғ алломалар юрти ҳисобланади. Мовароунаҳрда ҳадис илми алломалари Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Дорамий ва бошқа кўплаб муҳаддислар етишиб чиққан. Уларнинг ҳадисшунослик илмига қўшган хизматларини, бугун барча дунё аҳли эътироф этишиб, ҳадис илмининг “амирал муминийн”ни деб тасдиқлашган.

Ҳадисшуносликда жарх ва таъдил илми алоҳида ўрин эгаллайди. Бу илм билан ҳадис ровийларининг аҳволи ўрганилиб, ровийнинг сикқо ё заиф экани билинади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунда, ҳадисшунослик илмининг жарх ва таъдил қоидаларидан беҳабар ёинки, муҳаддисларимиз асрлар мобайнида шакллантирган олтин қоидаларни менсимай, ровийларни ва мазҳаббошиларни заиф деб фатво бераётган баъзи сохта муҳаддисларга жавоб ўларок, мақоламизда жарх ва таъдил илмининг асослари ва қоидаларидан ўқувчиларга маълумот беришни ўзимизга лозим топдик.

Жарх ва таъдил илми – ровийнинг ҳадис уламолари урфига асосан заиф ё ишончли ровий эканини баён қилувчи илмдир. Ҳадис илмида долзарб аҳамиятга эгаллиги, далолати чекланган, иборалари нозик илмлардандир. Уламолар ҳадис ровийларида нуқсон пайдо бўлган вақтда, уларни айбини айтишга ижозат берганлар. Ва бу ҳолни ҳаром бўлган ғийбатдан санашмаган. Бунга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг бир кишига айтган сўзларини “Қавмининг бародари қандай ҳам ёмон киши” ва Муовия Ибн Абу Суфён ва Абу Жухм ҳақида Фотима бинти Қайсга улар совчиликка келишган эди, сўраганда “Аммо Абу Жухм ҳассасини елкасидан туширмайди. Муовия эса молсиз, қашшоқ кишидир”, деб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам айтган сўзларини далил келтирганлар.[1] Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг сўзлари шахсий ҳаётда маслаҳат сифатида айтилган бўлса ҳам, ровийларни ҳолини ўрганиш учун

заиф ровийларга қадҳни (нуқсон) нисбат бериш жоизлигига далил сифатида қабул қилинди. Чунки ҳалол ва ҳаром амалларда қадҳни изҳор қилиш лозим бўлади. Ҳадис илмида қадҳни баён қилиш хос маслаҳатдан афзалдир.[2] Адл бўлмаган хабарни ҳужжат қилиб бўлмаслиги сабабли, ҳадиснинг жарҳини баён қилишда катта фойда бор. Мақсад ровийга туҳмат қилиш эмас. Уларга туҳмат қилиш ғийбат бобига киради. Хоссатан бу ишни бошида турган уламолар жарҳни (ровийни салбий томонини) баён қилиш билан кифояланганлар. Айбларни қидириш билан машғул бўлмаганлар.

Муҳаддисларнинг ҳадис ровийсини тафтиш қилишлари, саҳобалар асрига бориб тақалади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис ривоят қилишда кишилар эҳтиёт бўлсин деб, ровийни қабул қилишга каттиқ аҳамият берганлар. Шоядки Абу Бакр розияллоҳу анҳу саҳобалардан момани мерос олиши ҳақида сўраган вақтида, ҳадис санадини биринчилар қатори тафтиш қилганлардан бири бўлса керак. Муғйра ибн Шўъба мома олтидан бир улуш олади деб жавоб берди. Абу Бакр гувоҳ келтиришини сўради. Муҳаммад ибн Саламани гувоҳ келтирди.[3] Умар Ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳу ҳам Абу Мусо Ашъарийдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўзлаган ҳадисига гувоҳ келтиришини сўраган. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан у кишига ҳадис сўзлаган киши, ишончли ровий бўлса ҳам, қасам ичарди. Абу Бакр, Умар, Али розияллоҳу анҳум саҳобаларга туҳматни нисбат бермасдилар. Умар Абу Мусога “Сенга туҳмат қилмайман. Лекин ҳадис ривоят қилиш катта масъулиятдир”, дея эдилар. Лекин учала хулафолар, кишиларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан текширмасдан ҳадис ривоят қилишга журъат қилмоқларидан хавфланардилар. Ҳадис ровийсига каттиқ шартлар қўярдилар. Ҳадисни ривоят қилган ровийлар ҳақида сўрардилар.

Саҳобалардан ҳадис ровийлари ҳақида суриштирган зотлар: Абдулоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Салом, Убода ибн Сомит, Анас

ибн Молик, Оишадирлар. Ровийларнинг баъзи ҳадисларида ёлғон аралаштирганини айтиб ўтганлар.[4] Кейин мавзуъ ҳадис тўқиш ҳаракати кўзга ташланиб қолди. Олимлар дарров сергак тортишди. Ҳадис ровийларини суриштириш ва уларни билишга аҳамият берила бошлади. Тобеинлардан ҳам бир неча олимлар, чунончи: Шаъбий, Муҳаммад ибн Сийрийн, Саид ибн Мусаййиб, Сайид ибн Жарирлар жарҳ ва таъдил бобида сўз юритишди. Ҳижрий иккинчи асрининг ярмигача ҳадисшунослик фани кенг оммага тарқалмади. Шу сабаб, уламолар ровийларни суриштиришига қарамасдан, мавзуъ ҳадис тўқиш ва заиф ровийлар тарқалди. Муҳаддис ва танқидчи уламоларидан бир гуруҳи ровийлар аҳволини билиш ва уларни суриштириш билан машғул бўлишди. Улар тузган қоидалар, ровийга диққат қилиш, тақвосига эътибор бериш, огоҳлик, ўша замон олимлари ва кейинги давр олимларига мақбул келди.

Шўъба ибн Ҳажжож (ваф. 160/777), Муаммар ибн Рошид (ваф. 153/770), Ҳишом Дастувоий (ваф. 154/771), Абдурахмон ибн Амр Авзойи (ваф. 157/774), Суфён Саврий (ваф. 161/778), Молик ибн Анас (ваф. 179/795) Абдулазиз ибн Можшун (ваф. 164/781), Ҳаммод ибн Салма (ваф. 167/784), Ҳаммод ибн Зайд (ваф. 179/795), Лайс ибн Саъд (ваф. 175/791), Абдуллоҳ ибн Муборак (ваф. 181/797), Ҳашим ибн Башир (ваф. 177/794) Абу Исҳоқ Фазорий (ваф. 188/803), Маофий ибн Имрон Муслий (ваф. 184/801), Бишр ибн Фазл (ваф. 187/804), Суфён ибн Уяйна (ваф. 198/814), Исмоил ибн Улайя (ваф. 193/809), Жарир ибн Ваҳб, Вакиъ ибн Жарроҳ (ваф. 196/812), Яхё ибн Саид Қатон (ваф. 198/814), Абдурахмон ибн Маҳдий (ваф. 198/814), Абу Довуд Таёласий (ваф. 204/820), Абдуллоҳ ибн Зубайр Ҳамийдий (ваф. 219/835), Қаънабий (ваф. 221/835), Абу Убайд Қосим ибн Салом (ваф. 224/838), Яхё ибн Яхё Нисопурий (ваф. 226/842), Абувалид Таёласийлар (ваф. 227/843) бу фанда алоҳида ажралиб турдилар. Юқорида зикри келган уламолар ҳадис илмида машҳур бўлдилар. Авзойи ва Молик, Лайс ибн Саъдга ўхшаган муҳаддислар фикҳ ва ҳадис

илмини жамладилар. Уларнинг ҳадисшунослик фанидаги изланишлари, ҳадис ва фикҳ илмини бир қисми бўлиб қолди. Аммо Шўъба ибн Ҳажоҷ ва Яҳё ибн Сайид Қатон, Абдурахмон ибн Маҳдийга ўхшаш муҳаддислар ҳадисшунослик фанига муҳим эътибор қаратдилар.

Ҳадисшунослик фанида изланишлар ҳижрий учинчи асрнинг биринчи ярмигача давом этди. Бу фанда Яҳё ибн Маъин (ваф. 233/849) ва Али ибн Мадинийга (ваф. 234/850) ўхшаш забардаст олимлар етишиб чиқди. Ҳижрий учинчи ва тўртинчи асрларда жарҳ ва таъдил фанида китоблар нашр этилди. Бу китобларни баъзиси фақат заиф, баъзиси эса сиққо ровийларни жамлаш билан ва баъзилари ҳам заиф ва сиққо ровийларни жамлаш билан хосланди. Бу уч турлик китоблар бир вақтни ўзида жамланди. Яъни 3-ҳижрий асрнинг аввалги яримида кузатилди. Ҳадис ровийлари ҳақидаги китоблар, мутакаллимлар сўзлари, китоб шаклида нашр этилишидан олдин шаклланган эди. Уларнинг сўзларини аҳли ҳадислар, ҳадисни оғзаки ривоят қилганидек, бир бирларига нақл қилишарди. Кейинги муаллифлар аввалги китобларга суянишар, ровийлар ҳақида аввалги муаллифлар сўзини келтиришарди. Муаллифни жарҳ ва таъдил ҳақидаги сўзи, Яҳё ибн Маъин ва Али ибн Мадиний ва Аҳмад ибн Ҳанбал сўзларидан фарқ қилмасди. Жарҳ ва таъдил китоби муаллифлари ровийни заиф ё ишончли ровий эканига далолат қилиши учун, аввалги муҳаддислар ишлатган лафзлардан фойдаланишган. Лекин бу лафзлар кейинги муаллифлар китобларида сараланиб, сони белгиланиб, ибораси соддалаштирилди. Китоблар нашр этилиши даврида муаллифлар жарҳ ва таъдил бобида аввалги муаллифлар иборасини нақл қилишди. У замонда лафз ва ибораларда иттифоқлик йўқ эди. Ҳар бир муаллиф учун хос истилоҳлар мавжуд эди. Бу ҳол ўрганувчидан умумга далолат қиладиган истилоҳларни билиш билан кифояланмай, балки ҳар бир муҳаддисни истеъмол қилиш услуби ва нисбий далилларини ҳам билиши талаб қилинарди. Масалан Яҳё ибн Маъинни “Ҳеч нарса эмас” ибораси гоҳида ровийнинг

ривоят қилган ҳадисларини озлигига далолат қилса, кўпинча ровийнинг заифлигига далолат қиларди. Аммо бошқа муҳаддислар доимо ровийнинг заифлигини билдириш учун “Ундан ривоят қабул қилинмайди” атамасини ишлатишади.[5] Ибн Маъин “Зарари йўқ” атамасини сиққо (ишонарли) ибораси ўрнида ишлатади. Бу атама бошқа муҳаддислар истилоҳида ишончли ровийдан пастроқ экани билинади. Баъзи атамалар аввалги манбаларда қўлланилган маъноларда ишлатилган. Ҳофиз Ироқий бу атамаларнинг бирида асл иштиқоқига кифояланмай, яширин маъносига эътибор қаратди. Абу Ҳотим “У адллар қўлида” атамасидан, нуксонли маъносини назарда тутди. Ҳофиз Ироқий “У адллар қўлида” атамасидан, ровийни ишонарли эканини, назарда тутди. Асқалоний бундан огоҳ бўлиб, Жаббор ибн Мағлас таржимасини шарҳлаётганида, Абу Ҳотим Мағласни “У адллар қўлида” атамаси билан заиф ровий эканига ишора этганини билиб, бу иборани жарҳ лафзларидан деб огоҳлантирди. Табиийки бу нодир мисоллардир.

Жарҳ ва таъдил лафзлари: “сиққо”, “ҳужжат”, “собит бўлган”, “заиф”, “ёлғончи”, “ҳадиси ташлаб кетилган” лафзларига ўхшаш, равшан маъноли, муҳаддисларга таниш иборалардир. Жарҳ ва таъдил қоидалари кейинроқ батафсил тузилди. Ромаҳурмузийни (ваф. 360/971) “Муҳаддис фосил” китоби, мусталаҳул ҳадис бобида тасниф этилган китобларнинг биринчиларидан ҳисобланса-да, лекин китобда жарҳ ва таъдил илмидан маълумот келтирилмаган. Ҳоким жарҳ ва таъдил қоидаларини тузган кишиларнинг аввалгиси бўлиб, бу илми ҳадис илмидан деб эътибор қилган.[6] Ҳокимдан кейин мусталаҳул ҳадис китоблари муаллифлари, жарҳ ва таъдил илми ва қоидаларига аҳамият бера бошладилар. Жарҳ ва таъдил қоидалари ровийни ўзгариши ва ғулуvgа кетишини ман қилади. Ҳадисни чиройли сувратда ифодалашни ўргатади. Ровийга ишониш шартларини баён қилади. Ровий адолат ва забот билан сифатланган бўлмоқини уқтиради.[7] Қачон сабабини кўрсатмай, таъдил

ва жарҳ қабул қилиниши ёинки сабабсиз қабул қилинмаслигини ойдинлаштиради. Аҳли бидъатдан қайси ҳолатда ҳадис қабул қилиниши ё қабул қилинмаслигини, ровийлар ихтилоф қилган ҳукмлардан чиқиш йўллари, баъзи танқидчилар уларга ишониши ва баъзилари жарҳга нисбат беришини баён қилади. Баъзи танқидчилар ровийларни кичик сабаб билан қаттиқ қоралаб, уларга мажруҳлар ҳоли талаб қилмайдиган кўпол лафзлар билан нисбат берганлар. Ровийларга қаттиқ муносабатда бўлган муҳаддисларга Яҳё ибн Маъин, Яҳё ибн Саъид Қаттон, Абу Ҳотим Розий, Насойи, Ибн Ҳиббонлар сираси киради. Агар ровий жарҳга нисбат берилса, далил лозим бўлади. Замона уламолари ҳам баъзи ровийларни жарҳга нисбат беришда ушбу хатога йўл қўйишган. Шоядки бунга юзма юз ривоят қилиб, уларни жарҳ ва таъдилда текширмагани сабаб бўлган бўлиши мумкин. Шу сабаб замона муҳаддисларининг, ўз замонасидаги ровийларни далилсиз жарҳга нисбат беришини қабул қилмаслик қондаси қабул қилинди. Имом Моликни Муҳаммад ибн Исҳоқга, Имом Аҳмад ибн Ҳанбални Ҳорис Муҳосабийга, Суфён Саврийни Абу Ҳанифага нисбатан жарҳга нисбат беришлари рад қилинди. Ҳофиз Заҳабий баъзи жарҳ ва таъдил аҳллари, сўзи ўтадиган ровийларни ҳукмдан кўрқиб, уларни мажруҳга нисбат бермагани сабаб, қаттиқ танқид остига олинади.[8] Баъзи танқидчилар уларга эътиқодда муҳолиф бўлган, балки фикҳ илмида ҳам муҳолиф бўлган ровийлар ҳақида сўз юритганлар. Бу ихтилофлар ровийларни мажруҳга нисбат берилишига олиб келган. Уламолар бидъат аҳлини икки тоифага ажратишган.

1. Модомики бидъат амали куфрга олиб бормайдиган бўлса, бидъатга даъват қилмайдиган аҳли бидъатдан, ҳадис ривоят қилишга ижозат берилган.

2. Бидъатга даъват қилмайдиган аҳли бидъатдан, ҳадис ривоят қилишни рад қилинган.

Чунки аҳли бидъат ҳавоси, мазҳабини қувватлаш мақсадида уни ёлгон гапиришга ундайди. Агар жорихни (ҳадисни текширувчи) ва уни танқид қилган кишини орасида эътиқод

масаласида ихтилоф бўлса, жорихни сўзига таввақуф қилмоқга уламолар қилишишди.[9] Бу танқид жарҳ ва таъдил илмига аҳамиятли бўлмайди. Бу ҳол ҳадис танқидчиларини ровийларни ажратишда, сикқо ва заиф ровий деб билишда, уларнинг тақвоси ва ёдлаш қобилиятларини билишда сарфлаган қимматли ижтиҳодларидан саналмайди. Ҳатто Али ибн Мадиний ўз отасини ва Абу Довуд Сижистоний ўглини мажруҳ (нуқсонли)деб эълон қилган. Яҳё ибн Маъин бир кисса тиллони бир кишидан қабул қилишдан бош тортган. Чунки у ўзини сўзини тасдиқлашини сўраган эди. Ҳатто ўз асҳобларини ҳам мажруҳга чиқаришдан қайтмадилар. Имом Бухорий ва Имом Муслим инсоф бобида барча муҳаддисларга юксак намуна бўлдилар. Ўзларини саҳиҳ китобларида аҳли бидъатлар ривоят қилган ҳадисларни нақл қилганлар.[10]

Жарҳ ва таъдил бобида таълиф этилган китобларни уч қисмга ажратиш мумкин. Заиф ровийларни ўз ичига олган китоблар, сикқо ровийларни жамлаган китоблар, заиф ва сикқо ровийларни биргаликда жамлаган китоблар. Заиф ровийларни жамлаган китоблар ва заиф ва сикқо ровийларни биргаликда жамлаган китоблар, сикқо ровийларни жамлаган китоблардан аввалроқ тасниф этилди. Заиф ровийларни жамлаган китобни Яҳё ибн Маъин (ваф. 233/848) биринчилар қатори тасниф этди. Заиф ва сикқо ровийларни биргаликда жамлаган китобни Лайс ибн Саъд тасниф этди. Сикқо ровийларни жамлаган китобни Али ибн Абдуллоҳ ибн Мадиний (ваф. 234/849) тасниф этган. Заиф ровийлар жамланган китоблар сони, сикқо ровийлар жамланган китоблар сонидан кўпроқдир. Заиф ровийлар жамланган китоблар сони V- ҳижрий асрда 29 донага етарди. Сикқо ровийлар жамланган китоблар сони бу вақтда 7 донани ташкил етарди. Аммо заиф ва сикқо ровийларни жамлаган китоблар сони II, IV, V-ҳижрий йилларда 41 донадан ошмасди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида, муҳаддисларнинг ҳадисшунослик йўлида, қилган хизматлари ва

уларнинг жарҳ ва таъдил илмида сермашшакат йўлни босиб ўтганларини мушоҳада қилдик. Энди жарҳ ва таъдил қоидаларига инсоф билан, назар соладиган бўлсак, бу ерда бир қоидага алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Бу қоида - замона муҳаддисларининг, ўз замонасидаги ровийларни далилсиз жарҳга нисбат беришини қабул қилмаслик қоидасидир.[11] Кейинги қоида эса, танқидчи ровийни таасуб ва ёмон кўриши сабабидан, жарҳга ҳукм этиши қабул қилинмайди. Бу қоидаларда, танқидчига замонасида яшаётган ровийни далилсиз жарҳга нисбат бермаслиги ва мазҳабига таасуб қилмаслиги таъкидланади.

Ушбу қоидаларга эътибор бермаслик оқибатида, Суфён Саврий (ваф. 161/778), замонадоши Абу Ҳанифани (ваф. 150/761), заиф ровий деб жарҳга нисбат беришини, Хатиб Бағдодийга ўхшаш, кейинги муҳаддислар, эътиборга олиб, санади заиф ва ровийси номаълум асарлар билан, ўзининг мазҳабига таасуб қилиб, Абу Ҳанифага тўхмат тошини ёғдирган.

Ҳадисшунослар жарҳ ва таъдил илмини ушбу қоидаларига етарлича эътиборларини қаратсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Натижада таасуб ва кўр-кўрона ровийларни айблаш, мазҳабсизлик, мазҳаббошиларига ҳурматсизлик фитналари барҳам топарди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Адабул муфрад. – Миср, 1955.
2. Ибн Ҳиббон. Мажруҳийна минал муҳаддисийн. “Дорус самимий”, – Риёз, 2000.
3. Хатиб Бағдодий. Кифоя фи илмир ривоя. “Дорул кутубил илмия”, – Байрут, 1988.
4. Имом Шамсуддин Муҳаммад Саховий. Ёлону бит-тавбих. “Дорус самимий”, – Риёз, 2017.
5. Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ар-рафъу ват такмилу фи жарҳи ват таъдил. “Мактабатул матбуотил Исломия”, – Ҳалаб, 1986.
6. Абу Абдуллоҳ Ҳоким. Маърифатул улумил ҳадис. “Дорул кутубил илмия”, – Байрут, 1977.
7. Жалолуддин Суютий. Тадрибур ровий. “Мактабатул кавсар”, – Миср, 2006.
8. Шамсиддин Заҳабий. Тазкиратул ҳуффо. “Дорул кутубил илмия”, – Лубнон, 1998.
9. Ибн Ҳажар Асқалоний. Лисонул мизон. “Муасисатул аъламий лил матбуот”, – Байрут, 1971.
10. Муҳаммад Жалолуддин Қосимий. Жарҳ ват таъдил. “Муасисатур рисола”, – Байрут, 1979.
11. Акрам ибн Зиё Умарий. Бухусун фи тарихи суннатил мушараффати. – Мадина, 1994.